O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 27 август, № 169 (4832) Пайшанба

# САНЪАТ ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

**Кўҳна ва навқирон Самарқандда «Шарқ тароналари» VII халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**



***Самарқанд азал-азалдан илму урфонда донг таратган, маданият ўчоғи сифатида довруқ қозонган замин. Шу боис Шарқ деганда, энг аввало, дунёнинг барча мамлакатларида Самарқанд тилга олинади, у ҳақда тўлқинланиб гапиришади. Шу билан бирга, бу табаррук заминни зиёрат қилишга мудом ошиқишади. Бугун эса юртимиз гавҳари саналмиш Самарқанд жаҳон нигоҳида, диққат-марказида турибди.***

Зеро, Буюк Ипак йўлининг қоқ марказида жойлашган ўлкамизда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Ватанимизнинг гўзал урф-одатлари, бетакрор анъаналари қаторидан жой олиб улгурган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали еттинчи бор ўтказилаяпти. Бу нуфузли анжуманнинг мақсади инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этиш, дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ҳамда анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, тили, маданияти, миллий қадриятлари ранг-баранг бўлган турли миллат ва элатларни санъат воситасида янада жипслаштиришдан иборатдир.

Дарвоқе, жаҳон халқлари ўртасида маданий алоқаларни барқарорлаштириш, улар ўртасидаги тинч-тотувликни мустаҳкамлашда мусиқа санъатининг роли ва аҳамияти беқиёс. Бу ғоянинг таъсирчан ифодаси, айниқса, ўзбек халқининг ўлмас қадриятлари, тинчлик, дўстлик, инсоний комиллик ҳақидаги орзу-интилишларида яққол сезилади.

...Самарқанднинг ҳар бир кўчаси, хиёбони, боғу роғлари жозиба касб этган. Кўчаларда фестиваль рамзлари, эзгуликка ундовчи шиорлар илинган. Йўл чеккасидаги гуллардан таралаётган ифор кўнгилни қитиқлайди. Асосий тантаналар ўтадиган жой — Регистондаги тантанавор қиёфа меҳмону мезбонларга кўтаринкилик бахш этади.

Йиғилганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Анжуманнинг очилишидан далолат берувчи мусиқа садолари остида ўз давлат байроқларини кўтариб Ўзбекистон, Арманистон, Афғонистон, Америка Қўшма Штатлари, Жазоир, Австрия, Бангладеш, Баҳрайн, Буюк Британия, Болгария, Вьетнам, Голландия, Германия, Дания, Жанубий Корея, Исроил, Италия, Иордания, Индонезия, Испания, Коста-Рика, Қувайт, Латвия, Малайзия, Марокаш, Мексика, Миср, Мўғулистон, Уммон, Озарбойжон, Россия, Сингапур, Таиланд, Тожикистон, Туркманистон, Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Қатар, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, Франция, Филиппин, Чехия, Эрон, Эстония, Япония ва бошқа мамлакатларнинг санъаткорлари саҳнага чиқиб келишади.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари "Шарқ тароналари" VII халқаро мусиқа фестивали иштирокчиларига ўз самимий тилакларини изҳор этиб, уларга ижодий парвозлар, фестиваль ишига муваффақият тилади.

Шундан сўнг ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Хорхе Эспинал сўзга чиқиб, ушбу нуфузли фестивалнинг аҳамияти ва унинг қисқа давр ичида жаҳон мусиқа анжуманлари орасида ўз мавқеига эга бўлганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 8-бетда).

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ЕТТИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Қадрли фестиваль қатнашчилари!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун мана шу қадимий ва бетакрор Самарқанд заминига узоқ-яқин ўлкалардан ташриф буюрган сиз, азиз меҳмонларимиз билан, дунёда ном қозонган "Шарқ тароналари" фестивалининг иштирокчилари, барча дўсту биродарларимиз ва мен учун қадрдон бўлган Самарқанд аҳли билан дийдор кўришиб турганимдан бениҳоя хурсанд бўлганимни билдириб, барчангизга ўзимнинг эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Шу гўзал ва шукуҳли оқшомда муҳташам Регистон майдонида сизлар билан бирга нуфузли ЮНЕСКО халқаро ташкилоти, Халқаро халқ ижодиёти кенгаши вакиллари, хорижий давлатларнинг элчилари ҳам ҳозир бўлганини биз, аввало, ўзбек халқига, бугунги ажойиб анжуманга ҳурмат белгиси сифатида қабул қиламиз ва бунинг учун барчангизга миннатдорлик билдирамиз.

Бугун мана шу юксак минбардан туриб, ўз зиммамга олган шарафли бурчимни бажариб, дунёнинг турли қитъа ва минтақаларидан келган сиз, азиз меҳмонларни бутун халқимиз номидан самимий қутлаб, "Хуш келибсиз азим Самарқанд шаҳрига, хуш келибсиз Ўзбекистонга!" деб ўз ҳурмат-эҳтиромимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Қадрли дўстлар, муҳтарам меҳмонлар!

Барчамизга маълумки, дунёда жуда кўп ва турли-туман санъат ва мусиқа фестиваллари ўтказилади. Албатта, уларни ҳар бирининг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари, ўзига хослиги, қадр-қиммати, ўз мавзу ва ғоялари, обрў-эътибори бор.

Шулар қаторида биз бундан 12 йил олдин ташкил қилган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг айнан шарқона маъно-мазмуни, бетакрор руҳи ва қиёфаси борлигини, ўйлайманки, ҳеч ким инкор этолмайди.

Аввало, бу фестиваль Шарқ оламини ва фалсафасини, беназир гўзаллик, назокат ва нафосатни акс эттирадиган, инсон қалбининг энг нозик нуқталарига етиб борадиган куй ва қўшиқларни, қадимий тасвирларни ифода этгани билан инсоннинг бутун вужудини қамраб олиши ва ўзига мафтун этиши муқаррар.

Шу билан бирга, бу фестиваль биз яшаётган бугунги нотинч ва ўта мураккаб замонда элу элатлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, ҳаётбахш мусиқа оҳанглари орқали одамлар қалбида эзгу инсоний туйғуларни уйғотиш, муштарак томирларни бир-бирига пайванд этиш каби олижаноб мақсадларга хизмат қилиши билан алоҳида эътиборга сазовор.

Чунки тили, миллати, дини ва урф-одатидан қатъи назар, ер юзидаги юзлаб миллат ва халқларни бирлаштирадиган энг қудратли, энг таъсирчан бир восита борки, бу — мусиқа, бу — оҳанг, бу — тарона.

Мен бир нарсага аминман — бизнинг ҳаётимизга, аввало, фарзандларимиз, болаларимизнинг онги ва қалбига ҳеч қандай чегарани, ҳеч қандай ғов-тўсиқни билмайдиган мусиқа садолари, мумтоз куй ва қўшиқлар қанчалик чуқур кириб борса, бу, ўз навбатида, халқларни бир-бирига яқин қилишга, ҳамкорлик ва дўстликка даъват этади ва том маънода енгилмас кучга айланиб қолади.

Бутун дунёда обрў-эътибори тобора ортиб бораётган бу фестивалнинг жаҳондаги энг кўҳна шаҳарлардан бири бўлмиш, ҳар қадамда Шарқ нафаси уфуриб турадиган гўзал ва афсонавий Самарқанд шаҳрида ўтказилиши бу анжуманга беқиёс жозиба ва маъно-мазмун бағишлайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шарқ оламининг ўлмас руҳини, унинг қадимий ва ҳамиша навқирон қиёфасини, бетакрор меъморий ёдгорликларни намоён этадиган бу шаҳар ва бу ерда яшаётган, кўп асрлар давомида турли миллат ва элатларнинг энг олижаноб фазилат ва хусусиятларини, тили ва табиатини ўзида мужассам этган, меҳмондўст ва меҳрибон халқ бу фестивалнинг узвий, ажойиб бир қисмига айланиб, унга янгича файзу тароват бахш этади, десам, барча-барча шу майдонда ўтирганлар бу фикрга қўшилади.

Шу буюк шаҳарда туғилиб, униб-ўсган инсон сифатида мен Самарқанд халқига қаратиб, уни таърифлаб, ўзимнинг меҳрим, фарзандлик муҳаббатим ҳақида такрор ва такрор гапиришдан ҳеч қачон чарчамайман. Ва бу табаррук тупроқ олдида ўзимни ҳамиша қарздор деб биламан.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Бугун очилаётган еттинчи фестиваль ҳақида сўз юритар эканмиз, бу фестиваль ўз қатнашчиларининг сони ва иштирокчи давлатлар жуғрофияси билан, турли халқларнинг бебаҳо маънавий бойлигини кенг тараннум этиши, унга янги-янги истеъдодлар ва дунёга машҳур санъаткорларнинг ташриф буюргани, мусиқий оламининг ранг-баранглиги билан "Шарқ тароналари" мусиқа анжуманлари тарихида алоҳида ўрин эгаллайди.

Буни биргина мисол, яъни фестивалимизнинг дастлабки анжуманида 31 та мамлакат вакиллари иштирок этган бўлса, бу йилги мусиқа байрамида 47 та давлатдан келган 260 дан зиёд моҳир созанда ва хонандалар қатнашаётгани ҳам яққол тасдиқлайди.

Биз мамлакатимизда "Шарқ тароналари" фестивалини юксак савияда ўтказиш, унинг донғини дунёга таратиш учун ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрамиз.

Санъатни, мусиқани бутун қалби билан севадиган, ижод аҳлини муносиб қадрлайдиган ўзбек халқи "Шарқ тароналари" фестивалининг ҳар бир анжуманини катта байрамдек орзиқиб кутади, барча иштирокчиларнинг санъатига юксак ҳурмат билан қараб, уларнинг чиқишини самимият билан қарши олиб, ўз хурсандчилиги ва миннатдорлигини билдиради.

Ишонаман, бугун ўз ишини бошлаётган навбатдаги фестиваль "Шарқ тароналари" мусиқа анжуманининг жаҳон санъат оламида қозонган обрўсига обрў қўшиб, унинг бетакрорлиги ва гўзаллигини янада оширади, бу нуфузли маданий форум ўзида мужассам этган юксак инсоний, гуманистик ғоя ва мақсадларни, унинг ўзига хос анъаналарини давом эттиришда ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Сизларни бугунги санъат ва нафосат байрами билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, анжуман ишига эса муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси 2009 йил 28 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2009 йил 27 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, транспорт, алоқа ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор»

**Каримов Кўчқор Салимович** — Қизилтепа туманидаги «Кўчқор Каримов» фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

**Полвонов Султанназар Шарипович** — Урганч туманидаги «Паҳлавон» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи”

**Раҳматова Озодахон** — Сардоба туманидаги «Темур Малик» фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмаси пиллачилик бригадаси бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Мамажонова Дилором Тошпўлатовна** — Қўрғонтепа туманидаги «Козимжон Аҳмедов» фермер хўжалиги пиллачиси, Андижон вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор»

**Кўчиев Ўрол Зиёкулович** — Нишон туманидаги «Нишон» ширкат хўжалиги бош чўпони, Қашқадарё вилояти

**Узоқов Малик** — Бойсун туманидаги «Сайроб» ширкат хўжалиги бош чўпони, Сурхондарё вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»

**Аҳмедов Назиржон Мамирович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасининг металл эритувчиси

**Саляхов Комилжон Асхатович** — Кувасой шаҳридаги «Кварц» акциядорлик жамияти шиша идишлар ишлаб чиқариш цехи созловчиси, Фарғона вилояти

**Санақулов Қувондиқ** — Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси бош директори

**Халкулов Ўролбой Назарович** — «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти рух заводининг электролит цехи эритувчиси, Тошкент вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими»

**Алланиязов Оралбай Турдибаевич** — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Қорақалпоқтелеком» филиали Нукус тумани телекоммуникациялар тармоғи электрмонтёри

**Мирсодиқов Илҳом Икромович** — «Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази» давлат унитар корхонасининг Тошкент радиотелевидение узатиш маркази мутахассиси

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»

**Абдуллахўжаев Саидибурҳон Саидимуротович** — «Тошавтобустранс» акциядорлик компаниясига қарашли "7-Автокорхона" акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси

**Жўраев Равшан Мирзаевич** — Оқдарё тумани йўллардан фойдаланиш пудрат-таъмирлаш корхонасининг юк автомашинаси ҳайдовчиси, Самарқанд вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор»

**Алланов Сататдин Нуратдинович** — «Суўенли» ирригация тармоқлари бошқармасининг Қўнғирот тумани бўлими экскаватор машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

**Усмонов Шамил Ҳамидович** — «Норин-Ҳақулобод» ирригация тизими бошқармасининг экскаваторчиси, Наманган вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими»

**Мавлонов Абрал Анварович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг учувчилар отряди командири

(Давоми 2-бетда).

# РИВОЖЛАНИШНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ» ОСИЁ ОЛИМЛАРИ ЭЪТИРОФИДА

***Жанубий Кореянинг Даэжон шаҳрида Осиё масалаларини тадқиқ этишга ихтисослашган олимларнинг VI Халқаро анжумани бўлиб ўтди. Тадбир Корея Республикасининг Чангам миллий университети, сиёсий фанлар ва коммуникация уюшмаси, Осиё минтақавий тадқиқотлар маркази, Япониянинг Цукуба университети ҳамкорлигида ташкил этилди. Анжуман ишида дунёнинг 45 та мамлакатидан 800 нафардан ортиқ, жумладан, Ўзбекистондан ҳам олимлар иштирок этишди.***

Тадбир «Осиё ҳақида ўйлаймиз» шиори остида ўтиб, халқаро муносабатлар, сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, ижтимоий масалалар, дин, экология, миграция, маданият, соғлиқни сақлаш каби мавзувий форумлардан ташкил топди. Анжуманда илм-фан, аниқ ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича Осиё олимлари ўртасидаги илмий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Анжуман доирасида жами 92 та илмий йиғилиш ўтказилиб, улардан 2 таси "Ўзбекистон мисолида Марказий Осиё давлатларида фуқаролик жамиятини шакллантириш" мавзуига бағишланди. Хорижий экспертлар Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий партиялар фаолиятининг турли жиҳатларига, уларнинг давлат идоралари билан ҳамкорлигига катта қизиқиш билдиришди.

Ўзбекистон миллий қонунчилигида халқаро ҳуқуқий меъёрларнинг акс этиши, жамоат ташкилотларининг тартибга солиниши, шунингдек, сайлов тизимининг ривожланиши, унинг демократиянинг бугунги талаблари ва умум қабул қилинган халқаро ҳуқуқ андозаларига жавоб бериши тажрибалари алоҳида таъкидланди.

Осиёлик экспертлар ўз чиқишларида Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида эътиборга молик тажрибалар тўплангани ҳамда уларни бошқа давлатлар, хусусан, ривожланган демократик мамлакатларда ҳам давлат ва жамият қурилиши соҳасида қўллаш мумкинлигини қайд этишди.

(Давоми 4-бетда).

Август — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой

# ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА СИФАТ МУҲИМ

***Пахта ҳосилига ҳосил қўшиладиган пайт — август ойининг ҳар дамидан унумли фойдаланиш мақсадида ғўза парваришини жадал суръатларда давом эттираяпмиз. 11 минг 700 гектар майдондаги экинга ишлов бериш ва озиқлантириш ишлари ўз вақтида, сифатли амалга оширилмоқда. Меҳнатимиз самараси ўлароқ, асад ойида ҳар бир туп ғўзага 8-10 тадан кўсак қўшилгани деҳқону фермерларни қувонтирди.***

Суғоришни меъёрида ўтказиш, зарарли ҳашаротларга қарши кураш олиб бориш шу куннинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Белгиланган майдонларни қондириб суғориш, айни пайтда, пайкалларни кўллатиб юбормаслик учун 2 минг 250 нафар сувчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг унумли ишлашлари учун барча шароитлар яратилган.

Энг муҳими, ҳозир далаларда намни қочирмаслик керак. Бунга культивацияни вақтида ўтказиш билан эришилади, албатта. Туман бўйича 207 та культиватор далага чиқарилган. Улар кунора қатор ораларига киритилиб, экинга сифатли ишлов берилаяпти. Бу ҳосилга ҳосил қўшиб, бегона ўтлар кўпайишига йўл қўймайди. Шу маънода, механизаторлар ишига баҳо беришда ишлов берилган майдонлар ҳажми эмас, балки сифатига алоҳида эътибор қаратилади.

Ғўза культивация қилинганидан сўнг унинг қатор ораларига "шарбат" оқизилаётгани яхши самара бермоқда. Чунки маҳаллий ўғитлар тупроқда намни сақлайди, ҳосил тугунчалари тўкилишининг олдини олади, кўсаклар сонини оширади.

Демоқчимизки, айни кунларда барча агротехника тадбирларини ўз вақтида, меъёрида, уюшқоқлик билан ўтказсак, пахта хирмонларимиз ҳар йилгидек баланд, йил бўйи пешона тери тўккан деҳқонларимизнинг юзлари ёруғ, эзгу мақсадлари ижобат бўлади.

**Қуролбой САПАЕВ,**
**Гурлан тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи, «Шуҳрат» медали соҳиби.**

# РИВОЖЛАНИШНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ» ОСИЁ ОЛИМЛАРИ ЭЪТИРОФИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жумладан, **Ҳиндистон университети ўқитувчиси Сикким Саттабриат Синна**нинг таъкидлашича, "Ўзбекистонда янгича фикрлайдиган ва жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг демократик қадриятларини ҳамда интеграциясини мустаҳкамлашда ўз истиқболини кўра оладиган авлод ҳаётга қадам қўймоқда. Бу эса, ўз-ўзидан, мамлакатнинг буюк истиқболидан дарак беради. Содир бўлаётган кенг қамровли жараёнларда фуқаролик жамияти институтига катта аҳамият берилганлиги бизда назарий ва амалий қизиқиш уйғотмоқда".

**Япониянинг Рикоку университети профессор-ассистенти Сато Широ:** "Нодавлат секторнинг ривожланишидаги Ўзбекистон тажрибаси давлат нодавлат ташкилотнинг ижтимоий муносабатлар тизимидаги ўрни ва аҳамиятини яхши тушуниши ҳамда уни мустаҳкамлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар қилаётганини кўрсатади. Ўзбекистонда нодавлат ташкилотининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирокига имкон яратилган муҳим ҳуқуқий база ташкил этилди. Ўтган йили Ўзбекистонда бўлганимда, биз одамларнинг фуқаролик жамиятининг тузилиши масалаларини нечоғли фаол муҳокама қилаётганларига гувоҳ бўлдик".

**Цукуба университети ўқитувчиси Александр Бух:** "Кейинги пайтда Марказий Осиё бўйича экспертлар тараққиётнинг "ўзбек модели" атамасини кўпроқ қўлламоқдалар. Бу модель тизимли ва босқичма-босқич олиб борилганислоҳотлар, демократия қадриятларига эволюцион йўл билан эришишга интилиш ҳамда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти каби алоҳида хусусиятлар билан ажралиб туради".

**Сиёсий фанлар доктори, Хосей университети (Япония) профессори Мако Йошимура хоним қуйидаги мулоҳазаларни билдирди:** "Мен Ўзбекистоннинг сиёсий ва сайлов тизимининг тадрижий ривожланиш масалаларини тадқиқ этиб келаман. Шу боис, айтишим лозим, Ўзбекистон мустақиллик йилларида халқаро андозаларга энг юқори даражада жавоб берадиган сайлов тизимини яратишга муваффақ бўлди. Шуни ҳам эътибордан соқит қилмаслик керакки, жамиятнинг сиёсий, шу жумладан, сайлов тизимини шакллантириш доимий жараён ҳисобланади. Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги ҳам мунтазам равишда ривожланмоқда. Сўнгги йилларда сайлов қонунчилиги сиёсий партияларнинг фаоллигини кучайтиришга, шунингдек, янгидан тузилган Ўзбекистон Экология ҳаракати фаолиятини бундан-да юқори даражага кўтаришга имкон берувчи янги низомлар билан мустаҳкамланди".

**«Фудан» музейи жамғармаси президенти, Хитой — Америка сиёсатшунослик мактабининг (АҚШ) вакили Альфонс Ленгиель:** "Мен Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон тарихи билан яхши танишман. Ўтган йили Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилишганидан воқиф бўлдим. Биргина шу далилнинг ўзи мустақиллик йилларида одамларнинг руҳияти анча ўзгарганидан, демократик қадриятларни янгича баҳолаш тарзи юзага келганидан дарак беради".

**Сингапур Миллий университети профессори Баралая Пинсри**: "Ўзбекистон мисолида қандай қилиб турли миллат вакиллари ўз миллийлигини сақлаб қолган ҳолда, интеграциялашуви мумкинлигини кузатамиз.

Дарҳақиқат, халқларнинг интеграциялашуви жараёнида миллий ўзига хосликни сақлаб қолиш ўтиш жараёнини бошидан кечираётган кўп миллатли жамиятларда анча мушкул вазифадир. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида айнан миллийликни аниқлаш ва миллий ўзига хосликни сақлаб қолишга уриниш этник низоларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Шу жиҳатдан олганда, "ранг-баранглик — бирликда" дея таърифлаш мумкин бўлган Ўзбекистон тажрибаси атрофлича ўрганишга арзийди ва у миллатлараро тотувликни таъминлашда муаммоларга тўқнаш келаётган баъзи давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин".

**«Жаҳон» АА.**
Сеул













# «INVEST KREDIT»

## кредит уюшмаси жамоаси



**азиз ватандошларимизни республикамиз Мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан чин дилдан муборакбод этади!**

*18 йил гарчанд оз фурсат бўлса-да, Истиқлол байрами арафасида ортга боқиб, кўнгилларимизни ғурурга тўлдирадиган ютуқларимиз билан фахрланишга ҳақлимиз!*

*Ватанимиз каби табаррук, қалбимиздек сахий ва самимий удумларимиз, ўзбекона урф-одатларимиз бор бўлсин, Истиқлолимиз ҳамиша абадий бўлсин!*



«INVEST KREDIT» кредит уюшмаси билан ҳамкорлигингиз сизнинг муваффақиятингиз кафолатидир.
Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 15-уй, 44-офис. Телефонлар: 252-75-69, 252-75-70, 252-25-22.
Мўлжал: метронинг «Ойбек» бекати, «Issiqlikelektrloyiha» институти рўпараси. www.investkredit.uz

902R/1029

---

## ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН «ИФФАТЛИ КЕЛИН» ЎҚУВ МАРКАЗИ



серқуёш Ўзбекистон халқини ва юртимиз меҳмонларини энг улуғ, энг азиз айёмимиз — мамлакатимиз

**Мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги**

билан самимий муборакбод этади.





*Тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик, бахт ва омад доимо ҳамроҳингиз бўлишини тилаймиз.*

*Мустақиллигимиз абадий, тараққиётимиз бардавом, осойишталигимиз барқарор бўлсин!*

860H/1169

---

## «TOW Co LTD» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси

*Азиз ўзбекистонликлар!*

*«TOW CO. LTD» қўшма корхонаси жамоаси сизларга ўз эҳтиромини изҳор қилган ҳолда, энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақилликнинг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан самимий қутлайди! Мустақиллик — ўзбек халқининг асрий орзуларини рўёбга чиқарди, янги фаровон ҳаёт қуриш учун замин яратди. Барчангизга тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, улкан зафарлар ёр бўлсин, ҳар бир хонадонга файз-барака тилаймиз!*

Бизнинг компаниямиз **«Doosan infracore» («Daewoo Heavy Indastries & Machinery Ltd») ва «Ingersoll Rand» («Bobcat»)** корхоналарининг экскаватор, юкловчи ва бошқа қурилиш техникаларини, шунингдек, дизель генераторлари, компрессорлар, эҳтиёт қисмлари, осма жиҳозлар, гидроболғалар, турли ҳажм ва мақсадларга мўлжалланган ковшларни таклиф қилади. Техника Жанубий Корея ва Европадан буюртма бўйича етказиб берилади.

DOOSAN Doosan Infracore Bobcat

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Лайлитўғон к., 97-«А».**
**Телефонлар:(+998 90) 325-15-52, 188-15-60,**
**(+998 71) 242-00-27, 242-00-28. Факс: 242-00-26.**
**e-mail : nl@uztow.com**

---

## NOBEL PHARMSANOAT




Ўзбекистон халқини Мустақилликнинг **18** йиллик байрами ҳамда Тошкент шаҳрининг **2200** йиллиги билан чин дилдан табриклаймиз!

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва фаровонлик доимо ёр бўлишига тилакдошмиз.

«Nobel Pharmsanoat» чет эл корхонаси 2000 йилда Туркиянинг «Nobel İlaç San. Ve Tic. A.Ş.» фирмаси иштирокида барпо этилган бўлиб, фармацевтика соҳасида юз фоиз чет эл капитали асосида маҳсулот ишлаб чиқарувчи ягона корхона ҳисобланади.

Корхонанинг мақсади — Ўзбекистонда юқори сифатли ва самарали дори маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда дунё бозорига экспорт қилишдан иборат.

«Nobel Pharmsanoat» — фаолият турларини ҳар томонлама ривожлантириб бораётган ёш ва динамик корхона бўлиб, бугунги кунда 68 турдаги юқори сифатли дори-дармон маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хорижга ҳам экспорт қилинмоқда.

«Nobel Pharmsanoat» томонидан ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотлар мамлакатнинг етакчи даволаш муассасаларида синовдан ўтказилган ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг сертификатларига эга.

**Ўзбекистон бозорига юқори сифатли ва самарали дори маҳсулотларини тақдим этиш билан мамлакат тиббиёти равнақига ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз ҳамда бу борадаги фаолиятимизни азму шижоат билан давом эттириш ниятида барқарормиз.**

NOBEL

NOBEL PHARMSANOAT - ЎЗБЕКИСТОН
100060, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Т. Шевченко кўчаси, 23-уй.
Тел.: (+998 71) 256-13-60, 256-13-67; факс: (+998 71) 236-01-22.
Эл. почта: info@nobel.uz; эл. адрес: www.nobel.uz

*Маҳсулот сертификатланган.*

857H/1239

O'ZSANOATQURILISHBANK



«Ўзсаноатқурилишбанк»
очиқ акциядорлик тижорат банки

халқимизни энг улуғ, энг азиз
байрам – Мустақиллигимизнинг
18 йиллиги
билан муборакбод этади!

18

Байрам арафасида
«Ўзсаноаткурилишбанк» янги омонатларни таклиф этади

| | | | |
|---|---|---|---|
| "Истиклол-1" 30% йиллик | 3 ой сақлаш муддати | Сўмдаги омонат | Омонат фоизи ҳар ой тўлаб борилади. |
| "Истиқлол-2" 10% йиллик | 3 ой сақлаш муддати | АҚШ долларидаги омонат | Сақлаш муддати тугаганидан сўнг омонат фоизи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича сўмда тўланади. |
| "Тошкент–2200" 30% йиллик | 4 ой сақлаш муддати | Сўмдаги омонат | Омонат фоизи ҳар ойда олдиндан, яъни бўнак тарзда тўланади. |

«Ўзсаноатқурилишбанк»да сақланувчи аҳоли омонатлари Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Вақт давомида синалган ишонч!
www.uzpsb.uz

TEXACO

«ЎЗ-ТЕКСАКО»

ЎЗБЕКИСТОН – АМЕРИКА
ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

кўп миллатли Ўзбекистон халқини
Мустақилликнинг 18 йиллиги
ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги
билан самимий табриклайди!

*Барчага соғлиқ, фаровонлик, шоду хуррамлик тилайди.*

*Гўзал юртимизда доимо тинчлик ва осойишталик ҳукм сурсин!*

*Хонадонингизни меҳр-муҳаббат ва тўкин-сочинлик тарк этмасин!*




Тел.: 8 (371) 120-67-76, 244-01-23. www.uztexaco.com

UK

ОАТБ «ЎКТАМБАНК»
ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон халқи ва шаҳримиз
меҳмонларини энг улуғ ва энг азиз байрам –
Мустақиллик куни
ҳамда Ватанимизнинг йирик иқтисодий
ва илмий-маданий маркази ҳисобланмиш
Тошкентнинг 2200 йиллиги
билан самимий муборакбод этади!*



Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!




«Мерседес-Бенц 0-405»
русумли АВТОБУСЛАР
кимошди савдоси орқали сотишга қўйилмоқда. Кимошди савдоси шу йилнинг 17 сентябрь куни ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 296-32-60 (ходимлар бўлими), 296-55-52 (қабулхона).
*Тошкент шаҳар «2-автобус саройи» ОАЖ маъмурияти.*

***Муҳтарам газетхон! Газетамизнинг ушбу сонидаги қўшсаҳифа бепул илова қилинмоқда.***



# САНЪАТ ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Саҳнада куй-қўшиқлар янграйди, оммавий рақслар ижро этилади. Уларда ўз озодлиги ва истиқлолини қўлга киритган Ўзбекистоннинг бугунги кунда жаҳонга юз тутиб, эркин, очиқ жамият барпо этаётгани, юртимизда миллий урф-одат ва анъаналар билан бирга, умуминсоний қадриятлар ўзининг муносиб ўрнини топаётгани ифода этилади. Ер юзида ҳаётнинг пайдо бўлиши, унда одамзоднинг ўрни, ҳар қандай қадриятнинг марказида инсон ва унинг тақдири, орзу-интилишлари мавжудлиги ана шу қўшиқларда ўз аксини топади. Тинчлик-осойишталикни мадҳ этувчи хонишлар янграйди.

ТИНЧЛИКни тараннум этмоқ саодати ҳақида ҳар қанча гапирсак кам. Зотан, дунё яралгандан буён инсоният беҳисоб уруш ва фожиаларни бошдан кечирди. Мураккаб тарихи давомида неча бор ҳалокат ёқасига бориб қолди. Аммо фақат инсонийликнинг ғолиб чиқиши, мусаффо туйғуларнинг музаффарлиги туфайли бало-қазолардан омон қолди.



Сарвар ЎРМОНОВ, Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали туб моҳияти XXI аср — дўстлик ва ҳамкорлик, маънавият ва маърифат асри бўлиб қолишига, дунёни ҳамиша эзгулик қутқаради, деган ғояга қаратилганлиги билан ҳам дунёвий аҳамиятга молик анжумандир.

Қадим Самарқандга ташриф буюрган турли миллат ва элатлар вакилларининг қўшиқлари ва мусиқаларида ана шу эзгулик акс этди. Зеро, мусиқани севадиган, қадрлайдиган кўнгилда ёмонлик уруғи унмайди, ёвузлик ниш урмайди. Айнан шундай улуғликни ўзида мужассам этганлиги боис ҳам, "Шарқ тароналари"нинг довруғи, донғи оламга достон бўлиб бормоқда.

Фестивалнинг очилиш маросимини дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги мусиқа ихлосмандлари тўғридан-тўғри томоша қилишга муяссар бўлишди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# СЎЗ — ФЕСТИВАЛЬ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Оразнепес ДАВЛЕТНАЗАРОВ, Туркманистон миллий консерваториясининг доценти, Туркманистон халқ бахшиси, "Алтин мензил" гуруҳи раҳбари:**

— Самарқанд фестивали миллатлараро ҳамжиҳатлик ва меҳру муҳаббат ғояларини тарғиб этувчи, яна ҳам аниқроғи, эзгуликка хизмат қилувчи тадбирлардан биридир. Шу боис "Шарқ тароналари" жаҳон миқёсида алоҳида эътибор қозонган. Ушбу нуфузли анжуман санъат баҳона турли миллат ва элат вакилларини қалбан бир-бирига яқинлаштирмоқда. У кўплаб халқларни диёнат ва инсонийлик сари етаклаяпти, дунё халқларининг аждодлардан мерос қадриятлари бардавомлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаяпти, деб бемалол айтиш мумкин.

**Томас БЛИСЧЕ, Германия вакили, "Bremer musical" гуруҳи раҳбари:**

— Аввалги фестивалга меҳмон сифатида таклиф этилган эдим. Ўшанда "Келаси сафар, албатта, Самарқанд анжуманида шогирдларимдан таркиб топган гуруҳ билан қатнашаман", деган ниятни дилимга туккандим. Ниҳоят, жаҳондаги энг нуфузли фестивалда миллий санъатимиз намуналарини намойиш этишга муваффақ бўлдик. Дастуримиз устида пухта ишладик, истеъдодли ижодкорларимиз ўз маҳоратларини намоён эта олишларига, санъатимиз мусиқа шайдоларининг қалбидан жой олишига ишонаман. Бундай дейишимнинг яна бир сабаби шундаки, қадимий Самарқанднинг бетакрор кўрку жамоли, ота-боболарингиз барпо этган ўлмас обидаларга боқиб, илҳомимиз янада жўшди. Афсонавий Регистон саҳнида овоз ҳам, соз ҳам ўзгача, таърифи тилга сиғмас даражада сеҳрли жаранглайди. Бундай наволар киши руҳиятига сокинлик, вужудига қувват бахш этади.

**Буффаво Биг МАУНТИН, "Big Mountain Dancers" гуруҳи раҳбари, АҚШ вакили:**

— Бизни қадимий Самарқандга дўстлик, биродарлик риштлари етаклаб келди. Албатта, халқаро миқёсда обрў-эътибор қозонган шундай фестивалда ютуқларга эришиш ҳар бир санъаткорнинг орзуси. Аммо биз учун совринлардан ҳам кўра, кўп миллатли халқлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, дўстлик ва биродарлик алоқаларининг янада мустаҳкамланаётгани, қолаверса, турли халқларнинг миллий санъати намуналаридан баҳраманд бўлаётганлигимиз муҳимроқдир. Шу маънода айтиш мумкинки, Самарқанд фестивали жаҳон халқларининг миллий санъати ривожида беқиёс аҳамият касб этади.

**Муҳаммад Нафее ШАВКАТ, Буюк Британиянинг "Babylon" гуруҳи аъзоси:**

— Бу бетакрор фестиваль ҳақида кўп эшитганмиз, шу жумладан, афсонавий Самарқанд хусусида ҳам. Барига ўз кўзинг билан гувоҳ бўлсанг, бу таассуротлар унутилмас бўларкан. Юртингизда биринчи бор бўлишимиз. Анча йиллардан буён Самарқанд фестивалида қатнашиш истагида эдик. Мана, бугун ниятимиз рўёбга чиқди — Ўзбекистон заминида, қадимий Самарқанддамиз. Тошкентдан Самарқандгача тезюрар поездда келдик. Жаннатмонанд диёрнинг гўзал табиати, мусаффо ҳавоси, меҳмондўст халқи бизни мафтун этди. Одамларингиз меҳрли, муҳаббатли, бағрикенг экан. Самарқанд нонлари, ширинликлари бизга таъриф этишганидан ҳам зиёдалигига амин бўлдим. Шаҳардаги қадимий ёдгорликлар, зиёратгоҳлар, осмонўпар миноралрни томоша қилиб, ўзимни ўзга бир оламга саёҳат қилгандек ҳис этдим. Бундай гўзал ва осойишта мамлакатда яшаётганларга фақат ҳавас қилиш мумкин.





«ТРАСТБАНК»
хусусий очиқ акциядорлик биржа банки жамоаси барча юртдошларимизни мамлакатимиз Мустақиллигининг яқинлашиб келаётган 18 йиллиги ҳамда пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллиги билан самимий табриклайди!



Ушбу байрамлар арафасида сизларга «Тантана» номли янги муддатли омонат турининг жорий этилганлигини маълум қиламиз.

«Тантана» муддатли омонатига пул маблағлари 210 кунлик муддатга қабул қилиниб, йиллик 30 фоиз ҳисобида даромад ҳисобланади ҳамда фоизлар капитализация қилиб борилади.

«Трастбанк» хусусий очиқ акциядорлик биржа банкида сақланадиган аҳоли омонатлари Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

«Трастбанк» бош офиси тел.: (+ 998 71) 244-76-35.
Факс: (+ 998 71) 244-76-61.
«Тошкент» филиали тел.: (+ 998 71) 277-27-55.
«Пойтахт» филиали тел.: (+ 998 71) 267-78-28.
E-mail: info@trustbank.uz
www.trustbank.uz
Хизматлар лицензияланган.
843Н/1175


Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

***Шу йилнинг 1-12 сентябрь кунлари Милан (Италия)да ўтадиган жаҳон чемпионати олдидан Халқаро ҳаваскор боксчилар ассоциацияси (AIBA) ўн бир вазн тоифасидаги "чарм қўлқоп" усталарининг янги рейтингини эълон қилди.***

## БОКСЧИЛАРИМИЗ КУЧЛИ ЙИГИРМАТАЛИКДА

Таъкидлаш лозимки, ушбу рейтинг биринчи бор жорий этилаяпти. AIBA раҳбарияти томонидан уни тузиш жараёнида боксчиларнинг сўнгги икки йил давомида халқаро мусобақаларда эришган ютуқларига алоҳида эътибор қаратилди. Энг кўп очколар боксчиларнинг Олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпионатидаги муваффақиятларига берилди.

Муҳими, ушбу рейтинг очколари жаҳон чемпионати баҳсларига қуръа ташлаш жараёнида боксчиларга қўл келади. Эндиликда рейтингда юқори ўринларда бораётган боксчи биринчи босқичда нисбатан кучсиз рақиб билан рўбарў келади. Эсингизда бўлса, аввалги чемпионатларда битта вазнда кучли бўлган икки боксчи қуръа бўйича биринчи босқичда ҳам куч синашиши мумкин эди. Мутахассислар ушбу янгиликнинг жорий этилиши бокс мусобақаларининг янада қизиқарли ўтиши ва адолатли бўлишини таъминлашини айтишмоқда.

Ўзбекистон терма жамоаси Милан шаҳри мезбонлик қиладиган жаҳон чемпионатида тўлиқ таркиб (ўн бир вазн тоифасида) билан иштирок этади.

Энди бевосита рейтинг натижаларига тўхталамиз. Унда кубалик боксчилар етти вазн тоифасида биринчи ўринда қайд этилиб, умумжамоа ҳисобида етакчилик қилишмоқда. Ҳамюртларимиз икки юзга яқин мамлакат вакиллари орасида ўн тўққизинчи ўринни эгаллашган. Шахсий биринчиликда энг яхши кўрсаткич Баҳодиржон Султонов (57 кг.)га тегишли. У рейтингда иккинчи ўринда бормоқда. Элшод Расулов (81 кг.) эса учинчи ўринни эгаллаб турибди.

Шунингдек, AIBA рейтингидан Рафиқжон Султонов, Жасурбек Латипов, Бунёдбек Машрапов, Тўлашбой Дониёров, Улуғбек Холмуродов, Хуршид Тожибоев, Фазлиддин Ғоибназаров, Бекзод Хидиров, Санжарбек Раҳмонов, Ўктамжон Раҳмонов, Зокир Ортиқов, Дилшод Маҳмудов, Ботиржон Маҳмудов, Аббос Атоев, Жасур Матчонов ва Рустам Саидов сингари боксчиларимиз ҳам жой олишган.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

## Питнакда сузиш ҳавзаси

***Хоразм вилоятида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаяпти.***



Жумладан, Мустақиллик байрами арафасида вилоятдаги 10 та умумтаълим мактаби қошида қўшимча спорт заллари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Улар Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 128 миллион 624 минг сўмлик спорт анжомлари билан жиҳозланди. Бундан ташқари, Ҳазорасп тумани Питнак шаҳарчасидаги сузиш ҳавзаси тўлиқ реконструкция қилиниб, сув спорти ишқибозлари ихтиёрига топширилди.

Шунингдек, янги ўқув йили арафасида жамғарма томонидан кам таъминланган оилалар фарзандларига 155 миллион сўмлик кийим-кечаклар совға қилинди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Жиззах давлат педагогика институти талабаси Анузар Юнусов Чехияда ёзги биатлон бўйича ўтказилган Европа очиқ чемпионатида иккита олтин медални қўлга киритди.***

## Талабалар – халқаро турнир ғолиби

Ушбу муваффақият Анузар учун дастлабкиси эмас. У ўтган йили Франция мезбонлик қилган жаҳон чемпионатида ҳам биринчи ўринга сазовор бўлган эди.

Шунингдек, институтнинг яна бир талабаси, дзюдочи Ирода Абдураҳмонова яқинда Таиландда яккакураш спорт турлари бўйича бўлиб ўтган I Осиё ўйинларида кумуш медаль билан тақдирланганди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ОБ-ҲАВО (27 август)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради. Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 15-17, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради. Ҳарорат тунда 15-20, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради. Кечаси 15-20, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради. Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 15-20, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво булутли бўлиши кутилмоқда. Ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 15-20, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради. Тунда 15-20, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 15-17, кундузи 30-32 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ ҲАМДА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИ ТУРЛИЧА БЎЛГАН КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ



РАҚАМЛИ АВТОМАТИК ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯЛАРИ, РАҚАМЛИ ХАЛҚАРО КОММУТАТОРЛАР ВА КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА
ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

*Тендер таклифлари 2009 йил 28 августдан 30 сентябрь соат 17.00 гача қабул қилинади.*

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин:
(8 10 998) 252-30-36, 231-33-43. Факс: (8 10 998) 281-43-73.
E-mail: umtvs@uzpak.uz



«TITAN BIZNES» МЧЖ
Тошкентдаги омборхонадан ўзи ишлаб чиқарган



ЎҚУВ ПАРТАЛАРИНИ 60.000 сўмдан таклиф қилади



+(99871) 233-06-25
+(99898) 127-54-64
Маҳсулот сертификатланган


Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси вазирлик ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисоб-китоби жамғармаси директори ўринбосари Фарҳод Джамбоевга падари бузруквори **ЎРОЛБОЙ** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзэлтехсаноат» уюшмаси жамоаси "Сино" очиқ акциядорлик жамиятининг молиявий ва иқтисодий масалалар бўйича директор ўринбосари Равшан Каримовга падари бузруквори **Мурод КАРИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Трансйўлқурилиш" компанияси давлат унитар корхонаси жамоаси корхона раҳбари Шуҳрат Ирматовга падари бузруквори **МАДАМИНБЕК** отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 35388 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.15 Топширилди — 01.40
1 2 3 4 5